

ШЕРОБОДДА “БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТИКУВ МАШИНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231-сонли қарори 11 бандида қайд этилган ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, “бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ажратилмоқда.

Ушбу тикув машиналари “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасида қиймати 4 миллион 50 минг сўм бўлган, 3 йиллик 6 ой имтиёзли даври билан 14 фоиздан берилди.